

Жаббаров Камолиддин Йўлдошевич,  
Ўзбекистон Миллий университети,  
таянч докторант

## РИВОЖЛАНАЁТГАН ВА ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИ МАМЛАКАТЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ДАСТУРЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Резюме:** В статье проанализированы антикризисные программы принятые во время мирового финансово-экономического кризиса 2008 года Китаем и Россией, их особенности, изменения в экономике 2008-2015 годов в результате реализации задач указанных в программе, факторы экономического роста.

**Summary:** The article analyzes the anti-crisis programs adopted during the global financial and economic crisis of 2008 by China and Russia, their features, the changes in the economy in 2008-2015 as a result of the implementation of the tasks outlined in the program, the factors of economic growth.

**Калит сўзлар ва иборалар:** жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инқирозга қарши дастур, иқтисодий ўсиши, иқтисодиётдаги ўзгаришилар, ялни ички маҳсулот.

Глобаллашув дарида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграциянинг чуқурлашиши бир мамлакат иқтисодиётида рўй берган ходисанинг иккинчи мамлакат иқтисодиётига ҳам таъсир даражасининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. 2008 йилда АҚШда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз мамлакатдан ташқарида ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб, бошқа мамлакатларнинг иқтисодиётига жиддий таъсир ўтказди. Барча мамлакатлар қатори Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерациясида ҳам мазкур инқирознинг таъсир даражасини юмшатиш ва салбий оқибатларининг олдини олиш учун Дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Халқаро валюта жамғармаси Хитойга инқирозга қарши дастур доирасида ички истеъмолни рафбатлантириш ва банк тизимида аҳоли маблағларини сақлаш ҳажмини ошириш каби тавсияларини берган эди. Шунингдек, Хитойда ҳукумат томонидан инқирозга қарши амалга оширилган дастлабки чоралардан бири бу инқироз таъсирида қисқарган хусусий инвестициялар ўрнини қоплаш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида давлат ҳаражатларининг кенгайтирилганлиги бўлди. Чунки 2008 йилнинг ўзида

Хитойга кириб келадиган хорижий инвестициялар 159 трлн.долларга камайиб, ЯИМга нисбатан 3,7 % га қисқарган<sup>1</sup>.

Инқироз натижасида Хитойдан Европа Иттифоқи мамлакатларига экспортнинг камайиши ва инвестицияларнинг уй-жой сектори каби йўналишларда охириги йилларда самарасиз ишлатилиши натижасида сўнги чорак аср давомида кузатилаётган иқтисодиётнинг йиллик қўшимча ўсишининг 2012 йилга келиб пасайиши кузатилди. Мамлакатда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2004-2007 йилларда ўрта ҳисобда 12,7 % ни, 2008-2014 йилларда 8,9 % ни ташкил қилди<sup>2</sup>.

“Синъхуа” ахборот агентлигининг маълумотларига кўра, Хитойда инқирозга қарши Дастур доирасида 4 трлн.юан (586 млрд.доллар) қийматидаги маблағ ажратилган<sup>3</sup>.

Дастур қуйидаги асосий йўналишлардан иборат бўлган:

- Фаол молиявий инвестиция сиёсатини юритиш;
- Ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш учун қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш;
- Ички талаб ва чакана савдони ривожлантириш, бозорларни барқарорлаштириш;
- Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш;
- Реал секторни ривожлантириш;
- Ижтимоий соҳани мустаҳкамлаш;
- Давлатнинг иқтисодий ривожланишини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;
- Фоиз ставкаларини пасайтириш, мажбурий захира талабномаларини камайтириш;
- Кичик ва ўрта бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга кредитлар ажратиш;
- Иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Хитойда инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг харажатлари таркиби йўналишлар бўйича қуйидаги кўринишида бўлган<sup>4</sup>:

<sup>1</sup> Фролова Е.В. Мировой финансовый рынок: до и после кризиса. ЭКО, № 6, 2010. Стр.169.

<sup>2</sup> UNCTAD Handbook of statistics 2015, p. 350

<sup>3</sup> [www.xinhuanet.com/cn/16.04.2009](http://www.xinhuanet.com/cn/16.04.2009) й.

<sup>4</sup> Mirec.ru/index.php.?option=com\_content&task=view&id=101

№	Йўналишлар	Жами ажратилган маблағ, млрд юан	Жами ҳаражатта нисбатан % да
1.	Уй-жой қурулиши	400	10
2.	Қишлоқ инфратузилмаси яхшилаш	370	9,25
3.	Транспорт (темирйўл, ҳаво ва ерусти транспорти)	1500	37,5
4.	Соғлиқни сақлаш ва таълим	150	3,75
5.	Энергетика ва атроф-муҳит ҳимояси	210	5,25
6.	Инновациялар	370	9,25
7.	Сичуан провинциясида ер қимирлаши туфайли зар кўрган ҳудудларни таъмирлаш	1000	25
<b>Жами, 2008-2010 йиллар учун</b>		<b>4000 (586 млрд. \$)</b>	<b>100</b>

Дастур доирасида энг кўп маблағ темир йўллар, аэропортлар ва автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилгани бежизга эмас. Чунки учинчи минг йиллик бошида Хитой хукумати олдида турган асосий вазифалардан бири миллий иқтисодиётнинг тарқоқ элементларини бирлаштиришдан, яъни миллий инфратузилмани яхшилашдан иборат эди. Ҳудди шу каби муаммога АҚШ XIX асрнинг охирида дуч келган эди. Масалан, олдинлари Шанхайдан юк ортилган контейнерни АҚШнинг Сиэтл шаҳрига етказиб бериш, ҳудди шу контейнерни Шанхайдан Чунцинга етказиб беришдан кўра камроқ вақт олар эди. Ҳозирда провинцияларни бири-бири билан боғлайдиган автомагистраллар, темир йўл ва авиа йўналишларнинг оптималлаштирилиши натижасида мазкур муаммо ўз ечимини топмоқда. Мамлакатдаги фойдаланишдаги темир йўллар узунлиги 2005 йилда 75 438 км.ни ташкил қилган бўлса, бу қўрсаткич 2014 йилда 112 000 км.га етган, автомобиль йўллари узунлиги 2004 йилда 1 870 661 км. бўлган бўлса, 2014 йилга келиб бу рақам 4 464 000 км.дан иборат бўлган<sup>5</sup>.

Хитойда инқирозга қарши дастур доирасида амалга оширилган тадбирлардан қуидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

Бозорларни барқарорлаштириш мақсадида 2015 йилнинг 1 июнидан эътиборан қимматбаҳо косметика воситалари, Европа давлатларида ишлаб чиқарилган кийим-бошлар ва шу каби бошқа маҳсулотлар учун импорт тарифи пасайтирилди. Бунда айрим маҳсулотларни туридан келиб чиқиб 50 % гача пасайтириш чоралари назарда тутилган<sup>6</sup>. Мазкур чора-тадбирлар мамлакатдан

<sup>5</sup> Все страны и территории мира: Новый географический справочник ЦРУ. – Екатеринбург: У - Фактория; М.: АСТ МОСКВА, 2009. – 299 с.

БРИКС. Совместная статистическая публикация. 2015; Бразилия, Россия, Индия, Китай, ЮАР/ Росстат. – М.: ИИЦ «Статистика России», 2015. 15 с.

<sup>6</sup> They're not Buying it: Why Foreign Visitors are Giving Hong Kong's 'Shopping Paradise' a Miss.//www.scmp.com (04.07.2015).

турист сифатида бошқа давлатларга борадиган бадавлат хитойликлар учун қулайлик яратади. Чунки юқорида санаб ўтилган маҳсулотларнинг олдинги нархлари билан ҳозиргиси ўртасидаги фарқ сезиларлидир.

Фоиз ставкаларни пасайтириш билан бирга банкларга ўз депозитларини молиявий ресурсларидан ва имкониятларидан келиб чиқиб 1,5 баробаргача оширишга рухсат берилди. Бунда мамлакат Марказий банки кредит ва депозитлар учун фоиз ставкасини 0,25 процент пунктга (п.п.) пасайтириши муҳим аҳамият касб этди<sup>7</sup>.

2008 йилнинг учинчи чорагида базавий фоиз ставкаси беш баробарга, тижорат банкларининг депозит операциялари бўйича мажбурий заҳира талаблари эса 16 фоиздан 15,5 фоизгача пасайтирилди. Кредит ҳажмини ошириш мақсадида нотижорат кредитлаш билан шуғулланувчи Хитой ривожланиш банки, Хитой экспорт-импорт банки ва Хитой қишлоқ хўжалигини ривожлантириш банклари томонидан 15 млрд.доллар атрофида қўшимча молиявий маблағлар жалб қилинди<sup>8</sup>.

Мажбурий заҳира нормаларини камайтириш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида 2015 йил 5 апрелдан қишлоқ хўжалиги соҳасида кредитлашни янада рағбатлантириш мақсадида қишлоқ хўжалиги банкларида заҳира воситалар нормаси 4 п.п.га, бошқа банкларда 0,5 п.п.га пасайтирилди. Бу саъй-харакатлар кредит муомаласига яна 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида пул массаси кириб келишига имконият яратди<sup>9</sup>. Ушбу чора-тадбирлардан асосий кўзланган мақсад кичик ва ўрта бизнес субъектлари вакилларига ажратиладиган кредитлар миқдорини янада ошириш орқали молиявий-иктисодий инқирозни бартараф этишда тадбиркорлик фаолиятининг муносиб ўрнини таъминлашдир.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, иктиносидий инқироз шароитида мамлакат иктиносидиётининг ташқи бозорларга боғлиқлик даражаси муҳим аҳамият касб этади. 2008 йилги глобал иктиносидий инқирозгача бўлган шароитда Хитой Ҳалқ Республикасининг иктиносидиётида экспортга йўналтирилган товарлар асосий улушга эга эди. Сўнги йилларда мамлакатда мазкур муаммонинг ечими сифатида ички истеъмолни оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда аҳолининг юқори суръатлар билан кўпайиши асосий ўрин тутади. 2015 йилда ҳукумат томонидан бир фарзандли оиласаларга

<sup>7</sup> PBC Decides to Cut RMB Benchmark Loan and Deposit Interest Rates and Expand Deposit Interest Rate Floating Range. //www.pbc.gov.cn (27.07.2015).

<sup>8</sup> National Bureau of Statistics of China, Statistical Communique on the 2013 National Economic and Social Development; [www.stats.gov.cn/english](http://www.stats.gov.cn/english).

<sup>9</sup> Михеев В., Луконин С., Чже С. Многовариантность: Большой стратегический ответ Си Цзиньпина.//Мировая экономика и международные отношения, 2015, № 12, с. 5-14.

иккинчи фарзандни ҳам кўришга рухсат берилди. Бу каби демографик ислоҳотларнинг ўтказилиши ўз навбатида хукумат томонидан миллатнинг қариб боришини ва ички талабнинг камайиб боришини олдини олиш учун бўлаётган сайи-харакатларни ҳам назарда тутади.

Инқирозга қарши чора-тадбирларнинг тизимли равишда амалга оширилиши натижасида мамлакатда ички бозор субъектларини кредитлаш ҳажми ортди. Инқироз даврида кредитлар ҳажми 355,9 млрд.юандан (52 млрд.доллар) 410,4 млрд.юан (60 млрд.доллар)гача кўпайди. 2009 йилнинг биринчи ярмида 1,1 трлн.доллар ҳажмида кредитлаш амалга оширилган. Натижада мамлакатдаги компанияларнинг сармоя инвестициялари ҳажми 33,5 % га ортган. 2014 йилнинг I ярим йиллигида бўлса, мамлакатдаги барча молиявий муассасалар томонидан миллий ва хорижий валютада ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 13,7 % га ўсиб, 82,9 трлн.юанга етган<sup>10</sup>.

Хитойнинг инқироздан кейинги даврдаги асосий макроиқтисодий қўрсаткичларининг ўзгариши динамикасини таҳлил қиласа, ажойиб тенденцияни кўришимиз мумкин. Қуйидаги жадвалда ривожланган давлатлар, Хитой ва дунё ЯИМнинг 2006-2010 йилларда ўзгариш тенденцияси келтирилган(ЯИМнинг қўшимча йиллик ўсиши фоиз ҳисобида):

№	Жаҳон, мамлакатлар	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
1.	Хитой	12,7	14,2	9,6	9,2	10,3
2.	АҚШ	2,7	1,9	-0,3	-3,5	3,0
3.	ЕИ	3,2	3,0	0,4	-4,3	1,8
4.	Япония	2,0	2,4	-1,2	-6,3	4,0
5.	Ривожланган мамлакатлар	3,1	2,8	0,1	-3,7	3,1
6.	Дунё	5,3	5,4	2,8	-0,7	5,1

2008 йилда дунё ЯИМи 2,8 %га, ривожланган мамлакатларнинг ЯИМи 0,1 % га ўсан бир пайтда Хитойнинг ЯИМи 9,6 % га ошган, 2009 йилда Хитойнинг қўшимча йиллик ўсиши 9,2 %, 2008 йилга нисбатан 0,4 % га камайган. Жаҳон ЯИМ 2009 йилда 0,7 фоизга камайган, 2008 йилга нисбатан пасайиш 3,5 % га тенг бўлган. Ривожланган мамлакатларда 2009 йилдаги ЯИМнинг ўзгариш динамикаси 2008 йилга нисбатан 3,8 % ни ташкил этган. Бундан Хитой иқтисодиёти инқироздан кейин ривожланиш янги палласига ўтганини кўришимиз мумкин.

Сўнги йилларда Хитойнинг глобал иқтисодиётга таъсир доираси кенгайиб, жаҳон ЯИМда улуши йил сайин ортмоқда ва шу билан бирга

<sup>10</sup> Жаҳон банки маълумотлари. [www.worldbank.org/country/china](http://www.worldbank.org/country/china).

АҚШнинг дунё иқтисодиётидаги салмоғи эса камайиб бормоқда. Ҳисобкитобларга кўра, 1970 йилда дунё ЯИМнинг 4,1 % и Хитойга тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 14,4 %, 2015 йилда 15,6 % ни ташкил қилган. АҚШда бу рақам 1970 йилда 21,2 %, 2010 йилда 17,3 % ва 2015 йилда 16,7 % бўлган. 2025 йилга бориб Хитой 17,2 % лик улуш билан АҚШнинг 14,9 % лик кўрсаткичидан ўзиди кетиши таҳмин қилинмоқда<sup>11</sup>.

Хитой иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ривожланиши халқаро ҳамжамият томонидан муносабиб эътироф этилмоқда ва бугунги кунда дунё иқтисодиётида кўлами жиҳатидан АҚШдан кейин 2-ўринни эгалламоқда.

Жумладан:

- иқтисодиётдаги туб ислоҳотлар ва самарадорликнинг оширилиши натижасида 2014 йилда ЯИМ 1990 йилга нисбатан деярли 25 баробарга ўсган<sup>12</sup>;
- Хитой 3 217,0 миллиард АҚШ долларлик халқаро валюта ва олтин заҳираларига эга ва бу кўрсаткич бўйича дунёда 1-ўринда туради<sup>13</sup>;
- миллий валютанинг харид қобилияти паритети 18 090,0 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиб, бу кўрсаткич бўйича ҳам етакчилик қилмоқда<sup>14</sup>.

XXI аср бошига келиб Хитой пўлат эритиш, кўумир ва олтин қазиб олиш, цемент ишлаб чиқариш, кимёвий ўғитлар ва телевизорлар ишлаб чиқариш, бошоқли экинлар, пахта ҳамда мевалар етишириш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Электр энергияси ва кимёвий тола ишлаб чиқариш, пахта маҳсулотлари, гўшт ҳамда чой етишириш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради<sup>15</sup>.

Хитой Халқ Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг йиллар бўйича асосий кўсаткичлари.

<sup>11</sup> Экономика Китая обгонит США в 2018 году. [www.erreport.ru](http://www.erreport.ru)

<sup>12</sup> UNCTAD Handbook of statistics 2015, p. 342, 350, 373.

<sup>13</sup> Countries Ranked by Military Strength (2016).//www.globalfirepower.com

<sup>14</sup> Countries Ranked by Military Strength (2016).//www.globalfirepower.com

<sup>15</sup> Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Жажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. – Т.:“Baktria press”, 2015. 179-б.

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2000 йил</b>	<b>2010 йил</b>	<b>2014 йил</b>
1.	Импорт, экспорт товарлари ва тижорат хизматлари қиймати, млн. АҚШ доллари	530 249	3 264 141	4 806 156
2.	Импорт товарлар ва тижорат хизматлари қиймати, млн. АҚШ доллари	250 688	1 520 559	2 261 067
3.	Экспорт товарлар ва тижорат хизматлари қиймати, млн. АҚШ доллари	279 561	1 743 583	2 545 089
4.	Жорий операциялар ҳисоби профицити (+) ва дефицити (-), ЯИМГа нисбатан % да	1,7	3,9	2,1
5.	Экспорт ва импорт товарлари нисбати, %	116,1	119,2	125,3
6.	Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқими, млн. АҚШ доллари	40 715	105 735	119 562
7.	Валютанинг ўртacha йиллик айрибошлаш курси, АҚШ долларига нисбатан	8,3	6,8	6,1
8.	Йил охирида валюта курси, АҚШ долларига нисбатан	8,3	6,6	6,1

Манба: БРИКС. Совместная статистическая публикация. 2015; Бразилия, Россия, Индия, Китай, ЮАР/Росстат. – М.: ИИЦ «Статистика России», 2015. 172-173 с.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, импорт, экспорт ва тижорат хизматлари қийматининг 2014 йилга келиб 2000 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 9 баробар ўсишига эришилган. Жорий операциялар счёти ҳам профицит билан якунланиб, охирги 15 йилда 23 % лик ўсиш қайд этилган. Мамлакатга кириб келаётган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 2000 йилга нисбатан 3 баробарга ошган. Тўғри танланган монетар сиёсат туфайли миллий валюта (юан)нинг АҚШ долларига нисбатан айрибошлаш курси 2000 йилдаги 8,3 пунктдан 2014 йилда 6,1 пунктга тушган.

Хитой Халқ Республикаси транспорт воситалари ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи давлатлардан биридир. Мамлакатда 2006 йилда 7,28 миллион дона автомобил ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилда бу рақам 18 миллион донани ташкил қилган<sup>16</sup>.

Қуйида йиллар кесимида мамлакатнинг асосий экспорт ва импорт маҳсулотлари таркиби билан танишиб чиқамиз.

Хитойнинг асосий экспорт маҳсулотлари таркиби, млн. АҚШ долларида.

<b>№</b>	<b>Асосий экспорт маҳсулотлари</b>	<b>2000 йил</b>	<b>2010 йил</b>	<b>2014 йил</b>
1.	Механик ва электрик маҳсулотлар	105 313	933 434	1 310 904
2.	Юқори ва янги тармоқлар технологиялари	37 043	492 414	660 534
3.	Металл прокати	2 229	36 819	70 823
4.	Маълумотларни автоматик қайта ишлаш машиналари ва уларнинг компонентлари	10 994	163 953	181 717
5.	Маълумотларни автоматик қайта ишлаш ускуналарининг эҳтиёт қисмлари	5 583	30 688	30 453
6.	Телефон аппаратлари	1 693	48 927	117 261
7.	Кемалар	1 497	39 203	23 022

<sup>16</sup> Экономика Китая. Структура экономики КНР. [www.e-report.ru](http://www.e-report.ru)

8.	Мебель	3 565	32 986	52 022
9.	Кийим–кечаклар (тикотажлардан ташқари)	17 478	49 169	73 431
10.	Трикотажлар	12 454	59 700	81 723

Манба: БРИКС. Совместная статистическая публикация. 2015; Бразилия, Россия, Индия, Китай, ЮАР/Росстат. – М.: ИИЦ «Статистика России», 2015. 185-187 с.

Хитойнинг асосий импорт маҳсулотлари таркиби, млн. АҚШ долларида.

№	Асосий импорт маҳсулотлари	2000 йил	2010 йил	2014 йил
1.	Механик ва электрик маҳсулотлар	102 872	660 313	854 338
2.	Юқори ва янги тармоқлар технологиялари	52 503	412 673	551 411
3.	Соя	2 270	25 081	40 285
4.	Темир рудаси	1 858	79 427	93 642
5.	Нефть хом ашёси	14 861	135 151	228 312
6.	Рафинирланган нефть маҳсулотлари	3 657	22 343	23 435
7.	Металл прокати	8 536	20 112	17 913
8.	Автомобиллар ва шассилар	1 193	30 665	60 777
9.	Маълумотларни автоматик қайта ишлиш машиналари ва уларнинг компонентлари	4 516	29 281	30 541
10.	Маълумотларни автоматик қайта ишлиш ускуналарининг эҳтиёт қисмлари	5 367	18 656	18 924

Манба: БРИКС. Совместная статистическая публикация. 2015; Бразилия, Россия, Индия, Китай, ЮАР/Росстат. – М.: ИИЦ «Статистика России», 2015. 185-187 с.

Бугунги кунда Хитойнинг асосий экспорт маҳсулотлари қийматини 2000 йил билан солиштирадиган бўлсак, тафовут қанчалик катта эканлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Экспорт маҳсулотлари таркибидаги асосий ўринда турувчи механик ва электрик маҳсулотлари 2014 йил сўнгидаги 2000 йилга нисбатан 12,5 баробар ўсиш суръатларини қайд этган, металл прокати экспортида бўлса 30 баробардан зиёдроқ ўсиш кўрсаткичларига эришилган. Телефон аппаратлари экспорти 2000 йилда 1 693 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2014 йил якунлари бўйича 70 баробарлик ўсиш билан 117 264 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

2014 йил якунларига кўра Хитой жаҳон экспортида 6 % йиллик ўсиш билан дунёнинг асосий экспортёр давлатлари рўйхатини бошқармоқда. Кўйидаги жадвалларда дунёнинг асосий экспортёр ва импортёр давлатлари бешталиги кўриб чиқамиз.

Дунёнинг асосий экспортёр давлатлари, 2014 йил.

Ўрни	Экспортёр давлат номи	Қиймати, млрд. АҚШ доллари	Дунё экспортидаги улуши, %	Йиллик % ўзгариши
1.	Хитой	2 342	12,4	6
2.	АҚШ	1 621	8,6	3
3.	Германия	1 508	8,0	4
4.	Япония	684	3,6	-4
5.	Голландия	672	3,6	0
Бутун дунё бўйлаб		18 930	100	1

Манба: World Trade Report 2015, WTO, 2015. p. 26.

Дунёning асосий импортёр давлатлари, 2014 йил.

Ўрни	Имортёр давлат номи	Қиймати, млрд. АҚШ доллари	Дунё импортидаги улуши, %	Йиллик % ўзгариши
1.	АҚШ	2 413	12,7	4
2.	Хитой	1 959	10,3	0
3.	Германия	1 216	6,4	2
4.	Япония	822	4,3	-1
5.	Буюк Британия	684	3,6	4
<b>Бутун дунё бўйлаб</b>		<b>19 018</b>	<b>100</b>	<b>1</b>

Манба: World Trade Report 2015, WTO, 2015. p. 26.

Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги алоҳида аҳамиятга эга. Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширалаётган ислоҳотлар, дехқонлар учун имтиёз ва енгилликлар ўз самарасини бермоқда. Агар 2007 йилда Хитойда 500 миллион тонна бошоқли экинлар етиширилган бўлса, 2014 йил якунига кўра мазкур кўрсаткич 557 миллион тоннага етди<sup>17</sup>. Давлат томонидан дехқонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида субсидиялар ажратилмоқда. Донли экинларнинг асосий турлари бўйича минимал сотиб олиш нархлари киритилган. Бир қатор туманларда белгиланган нарх бўйича ҳосилни сотиб олиш бўйича давлат буюртма тизимлари юритилмоқда. Дехқонларга кредитлар ажратилмоқда ва бегараз ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Глобал рақобатбардошлиқ рейтингида ҳам Хитой охирги йилларда ижобий кўрсаткичларни қайд этмоқда. Хитой 2008-2009 йилларда глобал рақобатбардошлиқ индекси рўйхатида 30 ўринни эгаллаган бўлса, 2014-2015 йилларда 2 пағонага кўтарилиб 28-ўринда қайд этилган<sup>18</sup>.

Хитойда глобал иқтисодий инқироз шароитида ЯИМнинг ўсиш суръатлари пасайганлиги, ишсизлик ва бюджет дефицити юқорилиги шароитида 2015 йилнинг бошида “Янги нормалар” деб аталувчи аҳоли турмуш даражасининг ортиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасининг камайиши ва “яшил иқтисодиёт”нинг ривожланиши ҳамда инновацияларнинг ўзлаштирилиши каби параметрлардан ташкил топган ноанъанавий ривожланиш кўрсаткичилари борасида баҳс-мунозаралар бўла бошлади. Чунки 2014 йилда Тибетдан ташқари Хитойнинг ҳеч қайси маъмурий бирлигига ЯИМ ўсиш кўрсаткичлари белгиланган режада бажарилмади. 2015 йилдан эътиборан мамлакатда пул-кредит сиёсатини юмшатиш ишлари амалга оширила бошланди. Бу чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг ўзида қайта молиялаш

<sup>17</sup> Экономика Китая. Структура экономики КНР. [www.e-report.ru](http://www.e-report.ru)

БРИКС. Совместная статистическая публикация. 2015; Бразилия, Россия, Индия, Китай, ЮАР/ Росстат. – М.: ИИЦ «Статистика России», 2015. 14 с.

<sup>18</sup> The Global Competitiveness Report 2009-2010, 2014-2015 years. World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009, 2014.

ставкаси 5,35 % га пасайтирилди ва банкларга кредит ставкаларини шу кўрсаткичнинг 30 % и оралиғида амалга оширишга рухсат берилди. Бу асосан кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит ажратиш тамойилларини такомиллаштириш чора-тадбирларининг узвий давоми эди. 2015 йил бошидан маҳаллий ҳукуматларга Хитой фонд бозорларига облигациялар жойлаштириш орқали қарзларни сўндириш учун қўшимча молиявий ресурсларни жалб этишга рухсат берилди.

“Янги нормалар” концепциясига асосан ЯИМнинг 2015 йиллик ўсиш суръати 7 % прогноз қилинган эди. Халқаро Валюта Фондининг 2016 йилда чоп этган ҳисботига кўра, Хитойда ЯИМнинг 2015 йилдаги ўсиш суръати 6,9 % ни ташкил қилган. Демак, белгиланган режа кўрсаткичи деярли бажарилган. Бу “Янги нормалар” концепциясининг ҳақиқатга қанчалик яқин эканлигининг исботидир.

2015 йил 16 май куни BDO халқаро иқтисодиёт соҳасидаги консалтинг компанияси ва Гамбург жаҳон иқтисодиёти институтининг ҳамкорликдаги илмий маъruzasi эълон қилинди. Унда, хусусан, 2012 – 2014 йиллар оралиғида мамлакатларда рўйхатдан ўtkazilgan патентлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Жумладан, Германияда ҳар миллион кишига 916 патент тўғри келгани ҳолда дунёда 5-ўринни эгаллаган. Бу йиллар давомида Жанубий Кореяда 3134 та патент ихтиро қилинган ва ўсиш суръатлари қайд этилган, Японияда бўлса 2159 та патент рўйхатга олинган бўлиб, пасайиш тенденсияси кузатилган. АҚШда бу кўрсаткич 886 га teng. Хитой мазкур йўналишда Франция ва Англияни ортда қолдириб, 10-ўринни эгаллаган. Шу сабабли маъруза муаллифлари Хитойга “нусха кўчирувчи” давлатдан қучли инновацион давлатга айланмоқда” деб таъриф берганлар<sup>19</sup>. Сўнги йилларда Хитой ҳукуматнинг инновацион иқтисодиётга қарататётган алоҳида эътибори маҳсули натижасида шу эътирофга сазовор бўлган.

2008 йилги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози Россия иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. Чунки мамлакат иқтисодиётининг экспорт таркиби асосан хом ашё маҳсулотларидан иборат эди. Бу эса инқироз даврида жаҳон бозорида ялпи талабнинг пасайиб кетиши натижасида иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатди.

Россияда инқирозга қарши чора-тадбирлар дастуридан ўрин олган асосий тадбирлар қўйидагилардан иборат эди:

- Солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали реал ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш;
- Кредит тизимини қўллаб-қувватлаш;

<sup>19</sup> [www.review.uz](http://www.review.uz) (18.05.2016).

- Йирик корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатиш;
- Миллий валютани девалвация қилиш.

Мамлакатда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш йўли билан ликвидлигини тиклаш мақсадида уларга Марказий банк ва ҳукумат маблағлари ҳисобидан 2008 йилдан 2020 йилгача бўлган муддатда, йиллик 8 фоиз ставкасида субординар кредитлар берилди. Ушбу кредитларнинг 52,6 %и Марказий банк маблағлари ҳисобидан ажратилди<sup>20</sup>.

Фонд бозорларидаги инқирознинг чуқурлашишини олдини олиш мақсадида Россия ҳукумати миллий фонд бозорини қўллаб қувватловчи қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ бозорнинг барқарорлигини сақлаб қолиш учун ҳукумат 500 млрд.рубл ажратди, шундан 250 млрд.рубль давлат бюджети ҳисобидан.

Россияда инқирозга қарши курашиш учун 222 млрд.доллар молиявий маблағ сарфланган бўлиб, бу мамлакатнинг 2008 йилдаги ЯИМнинг 13,9 %ини ташкил этади. Бу кўрсаткич Хитойда мос равишида 570 млрд.долларга тенг ва Хитойнинг 2008 йилдаги ЯИМнинг 13 %ини ташкил этган. Инқирозга қарши кураш учун сарфланган маблағлар дунё бўйича 9400 млрд.долларга тенг деб баҳоланган ва бу 2008 йилда дунё ЯИМнинг 15 %ини ташкил этган. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур йўналишда сарфланган маблағлар тенденцияси бўйича Хитой ва Россия дунё бўйича ўртacha меъёрдан пастроқ эканлигини кўришимиз мумкин<sup>21</sup>.

Россияда 2008 йилда бутун дунёда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг талофатлари тўлиқ бартараф этилмасдан ва юмшатилишга улгурмасданоқ, 2014 йилда рубль пул массаси ўсиш суръатларининг секинлашиши натижасида бошланган навбатдаги иқтисодий инқироз мамлакат иқтисодиётида оғир оқибатларни келтириб чиқарди.

Инқирозга олиб келган ички омиллар сифатида қуидагиларни санаб ўтишимиз мумкин:

- Россияда инфляция суръатларини пасайтиришга қаратилган Марказий банк томонидан амалга оширилган валюта интервенцияси (рубли қайтариб олиши) ва рубль ликвидлигини мустаҳкамлаш учун фоиз ставкаларининг оширилиши, ҳар хил чекловларнинг жорий этилиши натижасида мамлакатда пул массасининг камайиши содир бўлди. Бу омил молиявий секторда акцияларга бўлган нархларнинг кескин пасайишига олиб келди. Натижада инвесторлар, айниқса, чет эл инвесторлари Россия акцияларини ёппасига сота бошладилар ва сотишдан тушган маблағни ликвид валютага конвертация

<sup>20</sup> Кувшинова О., Письменная Е., Шпигель А., Панов А. Две трети бюджета.// Ведомости. 199, 2008.

<sup>21</sup> Исмаилов А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида пул тизимини тартибга солиш. //Бозор, пул ва кредит. № 03(154), 2010.

қилишга сарфладилар. Бу рубль курсининг пасайишига, яъни девальвацияга олиб келди. Шу билан бир пайтда иқтисодиётнинг реал секторида ялпи талабнинг тушиши натижасида ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши юз берди;

■ рубль курсининг пасайиши инфляцияни келтириб чиқарди. Бу муаммони ҳал этиш учун Марказий банк юқоридаги чора-тадбирлардан ташқари бошқа усуллар билан рубль ликвидлигини мустаҳкамлаш чораларини кўрди. Натижада пул массасининг ўсиш суръатлари янада секинлашди ва иқтисодий вазият ёмонлашди. Инфляциянинг ўсиш суръатлари пул массасининг ўсиш суръатларидан ўзиб кетди;

■ мамлакатда вазиятни ўнглаш мақсадида Молия Вазирлиги томонидан ҳам талайгина чора-тадбирлар амалга оширилди. Марказий банкдаги ҳукумат ҳисобларида янада кўпроқ рубль пул массасини йиғиш бошланди. Бу чора-тадбирлар ҳам натижа бермади, аксинча инқирознинг бошланишини тезлаштириди;

■ Россиянинг экспортга йўналтирилган маҳсулотларининг асосий қисмини хом ашё маҳсулотлари ташкил этади. Мамлакат ялпи ишлаб чиқаришининг 60 %и дастлабки ишлов бериш билан боғлиқ тармоқлар ҳиссасига тўғри келади, саноат тармоқлари бўлса 20 %ни ташкил қиласиди<sup>22</sup>. Бу ҳам инқироз шароитида ташқи ҳавф омилларига қарши туриш қобилиятининг пасайишига олиб келди;

■ инновацион иқтисодиёт мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир қиласиди ва инқирозга қарши чора-тадбирларнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Инновацион иқтисодиётнинг ривожланишини ифодалайдиган асосий кўрсаткич – инновацион индексдир. 2007-2014 йиллар мобайнида инновацион индекс ривожланган мамлакатларда ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, Жанубий Кореяда - 4,8 %, Хитойда - 3,6 %, Евropa Иттифоқида - 2,4 % ва АҚШда - 1,0 % ўсиш суръатлари қайд этилган бўлса, Россияда бу кўрсаткич салбий бўлиб -1,6 % га тенгдир<sup>23</sup>. Юқоридаги рақамлардан Россияда инновациялар ҳисобидан жадал иқтисодий ривожланишнинг ички механизмлари яхши йўлга қўйилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Инқироз кўламининг ортишига асосий сабаб қилиб юқоридаги ички омиллардан ташқари қуидаги ташқи омилларни ҳам келтириш мумкин:

## 1. АҚШдаги ноанъанавий монетар сиёsat

Халқаро Валюта Жамғармаси томонидан СДР саватининг резерв валюталари дея эътироф этиладиган валютага эга давлатлар иқтисодиёти

<sup>22</sup> Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Жажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслар. – Т.: “Baktria press”, 2015. 214-б.

<sup>23</sup> <https://ec.europa.eu/Growth industry innovation facts>.

халқаро иқтисодий муносабатларда алоҳида ўринга эга. Бу борада АҚШ доллари биринчилар қаторидан ўрин эгаллайди. Жаҳон валюта бозорларининг халқаро валюта айрибошлаш савдоларида иккиёклама счёт усулида ҳисобланган маълумотларга қарайдиган бўлсак, 2010 йилнинг апрел ойида амалга оширилган кунлик операцияларда умумий айланманинг 87 %и - АҚШ доллари, 33,4 %и - евро, 23 %и - иена, 11,8 %и - фунт стерлинг ҳиссасига тўғри келган. 2013 йил апрель ойида глобал валюта бозорларидағи кунлик оборот 5,3 триллион долларга teng бўлган. Россия рублиниг бу борадаги кўрсаткичи бир мунча пастроқ – 1,6 % ни ёки кунлик ўртacha 7-10 миллиард долларлик биржа савдолари айланмасини ташкил қиласди.

Биргина 2006 йил мобайнида жаҳондаги умумий АҚШ доллари айланмасининг 60 % и ёки 450 миллиард доллар қийматидаги операциялар Америка Кўшма Штатлари ҳудудидан ташқарида амалга оширилган. 60-100 миллиард евро ёки умумий евро айланманинг 12 %и евро ҳудуддан ташқаридаги операцияларда қайд этилган<sup>24</sup>.

2008 йилги глобал молиявий-иктисодий инқироздан кейин барча мамлакатларда инқироз шароитида иқтисодиётдаги Резерв миқдори қанча бўлиши кераклигига жиддий эътибор берила бошланди. Чунки инқироз даврида деярли 8 ой мобайнида кўпчилик мамлакатлар (юқори резерв заҳирасига эга 13 та мамлакат) ўзларининг резерв заҳираларининг тўртдан бир қисмидан учдан бир қисмигача йўқотишидди<sup>25</sup>.

Халқаро резерв валюталари ичida АҚШ долларининг жаҳон молиявий инқирозидан кўрган талофатлари унча катта эмас эди. Чунки 2014 йилда жаҳон валюта бозорларида амалга оширилган операцияларда умумий айланманинг 62 % и АҚШ доллари ҳиссасига тўғри келган (2010 йилда бу кўрсаткич 87 % бўлган). Ўз вақтида жуда ишончли ҳисобланган Европа Иттифоқи, Япония ва Бирлашган Қиролликнинг давлат облигациялари ҳам инқироздан кейин ўзига бўлган ишончни бироз йўқотди. Чунки бу мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг прогнози ҳамда қарз мажбуриятларини кескин ўсиши билан боғлиқ муаммоларнинг пайдо бўлиши бунга замин ҳозирлаб берди. Шу сабабли мамлакатлар инқирозга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш фонида ўзларининг молиявий активлардан иборат заҳираларини АҚШнинг молиявий активлари ҳисобига кескин ошира бошлашди. 2015 йилга келиб 5,6 триллион доллар миқдоридаги АҚШ давлат қимматли қоғозларига чет эл инвесторлари эгалик қиласди. Бу кўрсаткич 2000 йилда 1 триллион долларни ва

<sup>24</sup> Коллектив авторов. Экономическая система современной России: пути и цели развития. Монография. МГУ имени М.В.Ломоносова. Экономический факультет. – М.: Научное электронное издание, 2015, 748-с.

<sup>25</sup> Semianual Report on International Economic and Exchange Rate Polices, October 2014.

2006 йилда 3,5 триллион долларни ташкил қилган<sup>26</sup>. Бунинг натижасида мазкур давлатлар иқтисодиёти АҚШ иқтисодиёти билан узвий боғланиб қолди. Пировард натижада мазкур активларнинг таклифи тушиб, талаби кескин ошиши кузатилмоқда.

Маълумки, АҚШнинг мамлакат ичидағи қарз облигацияларига пенсия жамғармалари, молиявий ташкилотлар ва суғурта компаниялари эгалик қиласиди. Бу субъектларнинг ҳукуматга таъсир ўтказа олиши сабабли АҚШ ҳукумати қарз облигациялари мажбуриятлари билан боғлиқ операцияларда инфляция суръатларини ошира олмайди. Бундай муҳит чет эл инвесторлари учун жуда қўл келади. АҚШда ҳукуматнинг қарз облигацияларига бўлган бундай муносабати чет эл инвесторларининг инвестициялари кафолатланишига олиб келди.

Иқтисодиётни рағбатлантириш мақсадида 2000 йилларда АҚШда фоиз ставкаларини камайтириш амалиёти қўлланила бошланди. 2007 йилга келиб иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши туфайли АҚШ ҳукумати ноанъянвий “QE-миқдорий юмшатиш” монетар сиёсатни амалиётга татбиқ эта бошлади. “QE – миқдорий юмшатиш” – бу мамлакатда амалдаги монетар сиёсатнинг бир неча омиллар таъсирида самарасиз ёки етарлича самарали бўлмаган ҳолатида Марказий банк томонидан қўлланиладиган монетар сиёсатдир. Бунда Марказий банк иқтисодиётдаги пул массасини тартибга солиши учун молиявий активларни сотиб олади ёки ўз таъминотига олади. Анъанавий монетар сиёсатда бўлса Марказий банк давлат облигацияларини бозор фоиз ставкаларини меъёрда ушлаб туриш учун сотиб олади ёки аксинча сотади<sup>27</sup>.

“QE – миқдорий юмшатиш” сиёсати амалда 2014 йил охирларигача қўлланилди. Бу тадбирлар натижасида ялпи талаб ортиши керак эди. Аксинча, фоиз ставкаларининг 0 гача пасайтирилиши валютанинг девальвациясига олиб келди. Айниқса, Осиё мамлакатларидан капиталнинг кириб келиши девальвациянинг олдини олишга, чет элдан молиявий ресурсларнинг АҚШга киритилиши фоиз ставкаларнинг камайишига замин хозирлайди, импорт нархлари ўсади. Арzon маҳсулотлар кириб келганда импорт нархлари ўзгаришсиз қолиши ёки пасайиши мумкин. Пировард натижада девальвация яна авж олади. Бу омил ўз навбатида рубль қадрининг пасайишига олиб келади.

Мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий алоқалари чамбарчас боғланган бугунги кунда Хитойдан тортиб, то Америкагача дефляция паст даражада, Евро худудда бўлса инфляция 0,3 % гача пасайди. Японияда 2015 йил ноябрдан

<sup>26</sup> Коллектив авторов. Экономическая система современной России: пути и цели развития. Монография. МГУ имени М.В.Ломоносова. Экономический факультет. – М.: Научное электронное издание, 2015, 749-с.

<sup>27</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Количественное\\_смягчение](https://ru.wikipedia.org/wiki/Количественное_смягчение)

бошлаб инфляцияни жиловлаш мақсадида “QE – миқдорий юмшатиш” сиёсатининг навбатдаги босқичи бошланди.

Доллар, евро ва иена каби барқарор валютлар учун дефляция, рублга бўлса инфляция ҳавф солмоқда. Шу сабабли фоиз ставкаларини 0 гача пасайтириш ва фавқулодда эмиссия каби дастаклар билан намоён бўладиган ноанъанавий монетар сиёсатнинг амалга оширилиши Россия иқтисодиёти учун аячли оқибатларга олиб келди.

## 2. Украина билан муносабатларнинг ёмонлашуви

Россия ва Украина каби доимий иқтисодий ҳамкор давлатларнинг бугунги кундаги иқтисодий алоқаларини таҳлил қиласр эканмиз эътиборимизни уларга таъсир этувчи омилларга қаратишимиз керак.

Савдо-иқтисодий алоқаларни қўйидаги йўналишларга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир:

I. Россия газининг Украина бозорига етказиб берилиши ва газ транзити. Ҳозирда икки мамлакат ўртасида газ етказиб бериш олдиндан тўлов асосида амалга оширилмоқда. Бу омил Россия экспорт қўрсаткичларининг пасайишига олиб келмоқда ва Украинада саноатнинг тўлиқ қувват билан ишлаши имконияти чекламоқда. Натижада иқтисодиёт оқсаётган бир вақтда чет эл капиталининг мамлакатга кириб келиши оқими қисқармоқда;

II. икки давлат инвесторларининг ҳамкорликдаги фаолияти. 2014 йилдан бўён икки давлат ўртасидаги муносабатлардаги совуқлик икки давлат инвесторларининг ҳамкорликдаги фаолиятига ҳам путур етказмоқда. Россиялик сармоядорлар учун Украинада фаолият юритиш ҳавфли бўлиб қолмоқда. Чунки Украинада Россиялик инвесторларнинг рисоладагидек фаолият юритишлари учун иқтисодий ҳавфсизликлиги таъминланмаяпти. Украиналик инвесторлар бўлса, Россия ҳудудидан ўз бизнесларини олиб чиқиб кетмоқдалар. Бу Россия иқтисодиётида хорижий капитал ҳиссасининг камайишига олиб келмоқда;

III. Украина қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг Россия бозорларига етказиб берилиши. Россияда Украина қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортига таъкиқ жорий этилди. Бу украиналик тадбиркорлар учун қимматга тушди. Натижада Россияда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгариши рўй берди;

IV. ҳарбий-саноат соҳасида ҳамкорлик. Россияда 2008 йилдаги глобал молиявий-иқтисодий инқирозда яққол кўзга ташланган саноат корхоналарининг етарлича модернизация қилинмаганлиги ҳозирда ҳам иқтисодиётнинг оқсашига сабаб бўлмоқда. Ҳарбий саноат соҳасидаги – мудофаа корхоналарида маҳаллий мутахассисларнинг етишмаслиги ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига олиб келмоқда. Бу иқтисодиётнинг “қизиб кетиши” билан изоҳланади.

Муаммонинг ечими сифатида малакали мутахассисларни тайёрлаш ёки ишга таклиф қилиш масаласи турибди.

Юқорида айтиб ўтилган фикрларнинг исботи сифатида қуйидаги маълумотларни келтиришимиз мумкин. 2013 йилда Россиядан Украинага 23,0 миллиард долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган, Россиядан бўлса 28,4 миллиард долларлик маҳсулотлар импорт қилинган. Украинанинг ташқи савдо айланмасида Россиянинг улуши 29,6 % га тенгdir, шу жумладан, 27,9 % - товар ва хизматлар экспорти ва 31,1 % - товар ва хизматлар импорти<sup>28</sup>.

Россиядан Украинага қилинадиган экспорт товарлари таркиби:

- \* 67,2 % - ёқилғи энергетика маҳсулотлари;
- \* 6,9 % - металл ва металл буюмлари;
- \* 8,5 % - кимё саноати маҳсулотлари;
- \* 11,3 % - машина, ускуна ва транспорт воситалари;
- \* 6,1% - бошқа маҳсулотлар.

Украинанинг Россияга экспорти таркиби:

- \* 39,2 % - машина, ускуна ва транспорт воситалари;
- \* 21,3 % - металл ва металл буюмлари;
- \* 11,4 % - озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари;
- \* 10,8 % - кимё саноати маҳсулотлари;
- \* 7,6 % - минерал маҳсулотлар;
- \* 9,7 % - бошқа маҳсулотлар.

Юқоридаги маълумотлардан маълумки, Россия экспортининг асосини минерал хом-ашё ва ёқилғи ресурслари ҳамда машина ва ускуналар ташкил қиласди. Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви ва ҳалқаро бозорда нефть маҳсулотлари ҳамда ёқилғи ресурслари нархининг тушиши чет элдан келадиган капитал оқимининг камайишига олиб келди. Металлургия ва машинасозлик тармоғи Украина иқтисодиётининг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Шу турдаги маҳсулотлар гурухи Украина экспортида асосий улушга эгадир.

Россия ва Украина ўртасида 2014 йил январь-сентябрь ойларида товар ва хизматларнинг сайдо айланмаси 22,1 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган, бу кўрсаткични 2013 йил билан таққослайдиган бўлсак 67,4% ни ташкил қилганини кўрамиз. Товар айланмаси 18,6 миллиард долларни ташкил этган, ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 66,8 % га тенгdir.

---

<sup>28</sup> Коллектив авторов. Экономическая система современной России: пути и цели развития. Монография. МГУ имени М.В.Ломоносова. Экономический факультет. – М.: Научное электронное издание, 2015, 356-с.

2014 йилда Украина ташқи савдо айланмасида Россия 23,2 % ли улушга эга, 22,0 % - экспортда ва 24,6 % - импортда<sup>29</sup>.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари 2014 йилда 2013 йилга нисбатан қарийб 30 % га пасайган.

Бугунги кунда мазкур мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви икки мамлакат иқтисодиёти учун ҳам янада зарап келтирмоқда.

Ўсиш суръатлари тўлақонли равишда қайд этилиши учун иқтисодиётда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши керак.

Фикримизча, иқтисодий инқирозлар туфайли юзага келаётган макроиқтисодий муаммоларга қарши курашиш чора-тадбирлари сифатида аввало қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- мамлакат миллий валютасининг ликвидлик даражаси юқори бўлишига эришиш;
- мамлакат пул-кредит ва монетар сиёсати барқарор бўлишини таъминлаш;
- чет давлатларга қилинадиган экспорт товарлари таркибининг асосий қисмини хом-ашё материаллари эмас, балки инновацион иқтисодиётнинг маҳсули бўлган юқори технологияларга асосланган саноат маҳсулотлари ташкил қилишига босқичма-босқич ўтиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-куватлаш орқали бу субъектларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини ошириш;
- бюджет харажатларини белгиланган меъёр чегараларидан оширмаслик, бунда албатта ижтимоий ҳимоя меъёрларига риоя қилиш;
- малакали ишчиларга бўлган талабнинг тўлиқ қондирилиши;
- иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнини илмий техника ютуқларидан фойдаланиб фаоллаштириш;
- ишлаб чиқариш омиллари, жумладан, меҳнат унумдорлигининг оширилишига эришиш;
- инфляция суръатларини тартибга солишда бозор механизмларидан кенгроқ фойдаланиш ва бошқалар.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, инқирозга қарши дастурларнинг ўз вақтида ва изчил амалга оширилиши иқтисодий инқироз пайтида унинг таъсирини камайтиришга, оқибатларини юмшатишга ва

<sup>29</sup> Коллектив авторов. Экономическая система современной России: пути и цели развития. Монография. МГУ имени М.В.Ломоносова. Экономический факультет. – М.: Научное электронное издание, 2015, 357-358 с.

иктисодий инқирозларга қарши дастурлар самарадорлиги оширишга хизмат қиласади.